Куч — адолатда

2010 йил,
24 февраль,
чоршанба
№ 7-8 (262)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ёшларимизнинг илмий салоҳияти

замонавий технологияларни ўзлаштиришда қўл келмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қайд этилганидек, тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз салоҳиятини янада ривожлантиришда ўз соҳасининг сирларини чуқур биладиган, изланувчан, ташаббускор, иқтидорли ва етук мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Зеро, «ахборот асри» деб ном олган бугунги замонамизда юксак интеллектуал салоҳият эгаси бўлган, замонавий технологиялар сир-асрорини чуқур эгаллаган ва унинг ютуқларини соҳалар ривожига йўналтириш, фаровон келажакни барпо этишда муносиб улуш қўшишга қодир малакали мутахассислар жамиятнинг муҳим таянчи ҳисобланади.

Мамлакатимизда жамиятни модернизациялаш, техник ва технологик ривожлантириш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ютуқларидан оқилона фойдаланиш, улғайиб келаётган авлодни бу борадаги янгиликлар билан яқиндан таништириш ва ёшларнинг ўз салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда бажарилаётган кўламли ишлар натижасида ахборот технологиялари ҳаётимиздан кенг ўрин олаётир. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг бутун ҳудудида мобиль алоқа хизмати йўлга қўйилган. Компьютер техникалари нафақат иш жойларида, балки уйда ҳам фаолиятимизнинг муҳим бўлагига айланди. Улар воситасида жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан зудлик билан воқиф бўлмоқдамиз.

Бундай илғор технологиялардан фойдаланиш, айниқса, ёшларимиз учун катта имкониятдир. Шу боис дастлаб локал тармоқда ўз маҳоратини намойиш этган ёшлар бугунги кунга келиб республикамиз миқёсидаги каттакатта порталларда дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва уни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда.

Йигит-қизларимизнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида кўплаб коллеж ҳамда олий ўқув юртлари фаолият юритяпти. Иқтидорли ёшларни излаб топиш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун турли танловлар, анжуманлар, олимпиадалар ташкил этилаётир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган «Келажак овози» мегатанлови бунга мисолдир. Танловнинг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида ўтган йил уч мингга яқин ёшлар иштирок этди. Уларнинг 11 нафари финал босқичи ғолиби бўлди. Ушбу иқтидорли ёшларнинг тўртта лойиҳаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан молиялаштириш учун қабул қилингани навқирон авлоднинг бу йўналишдаги улкан салоҳиятидан далолат беради. Бундан ташқари, ёшларимиз ахборот технологиялари соҳасида мамлакатимиз ва хорижда ўтаётган олимпиадалар, беллашувларда ҳам юксак натижаларни қайд этмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда)

Жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири — мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувлик, сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратишдир. Шу маънода мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилган туб ўзгаришлар, фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини кафолатлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юксак самаралари-ни бермоқда. Дунёдаги кўплаб давлатларни танг аҳволга солиб қўйган жаҳон молия-вий-иқтисодий инқирози шароитида юртимизда эришилаётган муваффақиятлар ҳам мустақил тараққиёт йўлимизнинг тўғри ва барқарор эканини яққол исботлади.

Jamiyatimiz maqsadi

Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — бош мезон

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, сиёсат, иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ, маънавият ва бошқа соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди ва бу борадаги эзгу ишлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Айниқса, ўтган 2009 йил кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида муҳим давр бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида буларнинг барчаси чуқур таҳлиллар билан асослаб берилди ва мамлакатимиз тараққиётининг галдаги босқичида бажарилиши зарур вазифалар аниқ белгилаб берилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Фуқаролик процессининг юзага келиши

бунга юридик фактлардан бири — тааллуқлилик асос бўлади

Ҳуқуқни амалга ошириш нуқтаи назаридан тааллуқлиликни фуқаролик процессининг юзага келишини белгилаб берувчи асосий юридик фактлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки фуқаролик ишларини қўзғатишнинг муҳим шарти бўлган тааллуқлилик мазкур масалани ҳал қилиш давомида судья томонидан аниқланиши лозим бўлган юридик факт сифатида намоён бўлади.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 152-моддасига кўра, агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаса, судья аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли. Айнан ушбу жиҳати орқали тааллуқлилик суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари чегарасини белгилаш бароварида фуқаролик процессуал ҳуқуқ соҳасининг ҳам амал қилиш доирасини аниқлаб беради. Шунингдек, тааллуқлилик суд ҳокимияти тизимидаги ўзаро муносабатларни чегаралашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик процессида тааллуқлилик қуйидаги турларга ажратилади:

- **мустасно;**
- **альтернатив;**
- **шартномавий;**
- **шартли (императив).**

Мустасно тааллуқлилик. Фуқаролик, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган аксарият низоли ишлар бевосита судларга тааллуқли бўлиб, бошқа идоралар томонидан мазмунан кўрилиши мумкин эмас.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Фуқаро мурожаати

қонун билан кафолатланган

Жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топишида, ҳеч шубҳасиз, юксак ҳуқуқий маданият алоҳида ўрин тутади. Зотан, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш билан уларда қонунларга бўлган ҳурмат руҳи шаклланади, бу эса ўз навбатида қонунларнинг самарали ижро этилишига замин яратади.

Миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатловчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунда фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш билан боғлиқ меъёрлар, масалан, тартиб ва муддатлар аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, мазкур қонуннинг 20-моддасига кўра, давлат идоралари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат этгани учун фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

Шунингдек, қонунда мурожаатларга нисбатан бепарволик қилган, вазифасига совуққонлик билан қараган, бир сўз билан айтганда, ишончни суиистеъмол қилган шахсларга нисбатан ҳуқуқий чоралар ҳам белгиланганки, амалиётда бундай ишлар судлар томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилаётир.

(Давоми учинчи бетда)

Миллий иқтисодиётимизнинг таянчи бўлган тадбиркорлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада адлия идоралари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга қулай иқтисодий муҳит яратиш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоя тизимини барпо этиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Qonun ko`magi

Тадбиркорнинг эркин фаолияти

амалда тўлиқ таъминланмоқда

Қонунлар ижросини ўрганиш ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини тўлиқ тиклаш, қонунбузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зараларни ундириб бериш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар манфаатини кўзлаб ўтган йили судларга 77.669.064 сўмлик 104 та даъво аризаси киритилиб, бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали тикланишига эришилди.

Айбдор мансабдор шахсларга нисбатан эса жазо чоралари қўлланмоқда. Жумладан, бошқарма томонидан қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли ташкилот ва идораларга 194 та тақдимнома киритилди. Тақдимномаларга асосан 252 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шундан 17 нафари эгаллаб турган лавозимидан четлатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида мазкур соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилди. Адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаби даражасида такомиллаштирилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилиб, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, жумладан, адвокатура институти чуқур ислоҳ этилгани алоҳида таъкидланди.



Farmon va ijro

Ҳимоя ҳуқуқи кафолати мустаҳкамланди

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур фармон асосида адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Унга барча адвокатларнинг мажбурий аъзо бўлиши белгиланган адвокатура тизимининг яхлитлигини таъминлади. Бу айни пайтда соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмини яратди.

— Ҳозирги кунда юртимизда мингга яқин адвокатлик тузилмалари ташкил этилган бўлиб, уларда уч минг нафардан зиёд адвокатлар фаолият юритмоқда, — **дейди Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Тошпўлат Сайидов.** — Эътиборлиси, уларнинг барчаси қатъий талаб ва шартлар асосида малака имтиҳонидан ўтказиб лицензияга эга бўлган адвокатлардир. Зеро, бугун соҳада фаолият юритиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокатдан жудда катта билим, тажриба ва маҳорат талаб этилади. Ана шу масъулиятни ҳис этган, қўйилган талабларга жавоб бера оладиган ҳуқуқшунос адвокат бўлишга жазм этиши мумкин.

Адвокатлик тузилмаларига ўтган йилда юридик ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар сони кескин ошди. Бу ҳол соҳа ходимларининг жамиятда ўз ўрнини топаётгани ва самарали фаолият юритаётгани натижаси десак, муболаға бўлмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Қонунчилигимизда моддий зарар билан бир қаторда маънавий зарарни ундириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Фуқаролик ва Меҳнат кодексларида, шунингдек, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Туризм тўғрисида»ги қонунларда маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатларга оид меъёрлар белгиланган.

Islohot va samara

Маънавий зарарни қоплаш

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги ифодаси

Шу билан бирга судларнинг ушбу турдаги низоларни қонуний асосда ҳал этишда Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги **«Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ёки ҳаракатсизлик) оқибатида унга етказилган маънавий ва жисмоний — камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва шу кабилар тушунилади. Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига асосан, маънавий зарар, уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Маънавий зарар амалиётда кўпроқ меҳнат низолари, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда маъмурий идораларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилади. Суд маънавий зарарни моддий зарардан алоҳида ҳолда кўриб чиқади.

(Давоми учинчи бетда)

Ушбу сонда:

«Телефонингни ол-чи, болакай!» 4

Эзгулик — яхшиликка йўл очади 3

Амир Темур гўрўнги 4

2010-yil — Barkamol avlod yili

Ёшларимизнинг илмий салоҳияти

замонавий технологияларни ўзлаштиришда қўл келмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўз навбатида, келажак эгаларининг замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан тўғри ва оқилона фойдаланишини таъминлаш, бундай илғор воситаларнинг инсон онг-тафаккурига, саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш, илм-фан ва техника янгиликларини жамият тараққиётига йўналтириш ҳам доимий эътиборда.

Яқинда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ана шу йўналишда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот технологияларининг ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этди. Бундан кўзланган мақсад — жамиятимизнинг турли жабҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тўпланган тажрибани чуқур таҳлил этиш, бу йўналишда халқаро миқёсда эришилаётган ютуқларни ўрганиш ва мамлакатимиз ёшларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада бойитишга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда олимлар, педагоглар, ёш тадқиқотчилар, талабалар, ўқувчилар ва Россиядан келган мутахассислар иштирок этишди.

Ушбу тадбирга ташриф буюрган ва ўз тақдимотларини ўтказган Россиядаги «Inline telecom solutions», «Ай-теко», «Open technologies», «Colvir software solitions» ахборот-коммуникация технологиялари компаниялари мутахассислари мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий этиш, ёшларнинг бу борадаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган бундай ишларга юқори баҳо бердилар.

«Ай-теко» ахборот-коммуникация технологиялари компанияси мутахассиси Александр Чикиткиннинг айтишича, юртимизда жамиятни ахборотлаштиришга қаратилаётган доимий эътибор соҳа ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ёшларининг бу йўналишдаги интеллектуал салоҳияти ниҳоятда юқори. Уларнинг ютуқ ва тажрибаларидан амалда фойдаланиш соҳа тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис компания мамлакатимизда ўз фаолиятини юритишдан ҳар томонлама манфаатдор. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги салоҳияти ва улғайиб келаётган ёшларнинг бу жабҳадаги фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Бундай тадбирлар ахборот технологияларининг инсон ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш ва жамият тараққиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

— Анжуман бизнинг билим ва кўникмаларимизни амалда яна бир карра имтиҳондан ўтказди, — **дейди Тошкент ахборот технологиялари университети 4-курс талабаси Зиёдбек Ҳусанов**. — Мен дарсдан бўш вақтларимда вебсайтлар яратишга қизиқаман. Бу йўналишда олиб борган изланишларим натижасида ўзим туғилиб ўсган Андижон вилояти Марҳамат туманининг вебсайтини яратиб, интернетга жойлаштирдим. Ҳозирги кунда Андижон вилоятидаги «Турон» ўқув марказининг вебсайтини яратиш бўйича ишлаяпман. Юртимизда таълим тизимида ёшларга замонавий ахборот технологиялари ютуқларини чуқур ўргатишга катта эътибор берилаётгани бизнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришда пухта замин ҳозирламоқда.

Бундай имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни ҳар бир ёшнинг асосий вазифаси деб биламан. Ўзим ҳам университетни битириб, мутахассислигим бўйича вилоятимизда ишлашни, ахборот технологиялари бўйича олган билимларимни тегишли соҳаларда қўллашни ва улғайиб келаётган ёшларга чуқур ўргатишни мақсад қилганман.

Дарҳақиқат, «ахборот асри» деб ном олган, глобаллашув шиддат билан қулоч ёзаётган бугунги кунда биз нафақат замонавий ахборот технологияларини чуқур эгаллашимиз, балки улар воситасида жамиятни ахборотлаштириш лойиҳаларида фаол иштирок этишимиз, янги технологиялар ютуқларидан ўз интеллектуал салоҳиятимизни оширишда тўғри фойдаланишимиз керак. Бундай мақсад йўлида изланаётган ёшларимиз эса мустақил Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчларидир.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Тадбиркорнинг эркин фаолияти

амалда тўлиқ таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилган 43 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштирилиб, ваколатли идораларга юборилди. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Қува тумани судининг 2009 йил 20 августдаги қарори билан Х.Абдурахимов, М.Расулов ва Б.Ибрагимовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-1-моддаси 1-қисми билан жарима жазоси тайинланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майдаги **«Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, 2009 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида бож ундириш белгиланган бўлса-да, Марғилон шаҳри ҳокимлиги қошидаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси «Хусниябону файз савдо» хусусий корхонасини рўйхатдан ўтказишда энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баробари миқдорида давлат божи олган. Шунингдек, мазкур инспекция томонидан «Марғилон интер зовет», «Марсспецжилстрой» хусусий корхоналарини рўйхатдан ўтказишда ҳам бож тўлови ортиқча олинган.

Аниқланган қонунбузилиши бартараф этилиб, тадбиркорларга ортиқча олинган бож тўловлари қайтарилди.

Шунингдек, банклар томонидан ҳисоб-рақамларни очиш учун қишлоқ жойларида энг кам ойлик иш ҳақининг 0.1 баравари миқдорида тўловлар ундириш ҳақидаги қонун талаби ҳам бузилиб, ортиқча тўловлар олинаётганлиги аниқланган. Жумладан, «Халқ банки»нинг Учкўприк тумани бўлими томонидан «Саидов Усмонхон боғи» боғдорчилик фермер хўжалигига ҳисоб-рақами очишда 2009 йил 19 августда энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида пул ундирилган. «Нурафшон Тоҳирун» МЧЖга, «Нодирабегим» хусусий фирмасига ҳам ҳисоб-рақами очишда энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида пул ундирилган.

Мазкур қонунбузилишлари бўйича ортиқча олинган маблағ тадбиркорлик субъектларига қайтарилди ва айбдор банк ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Адлия бошқармаси томонидан Қўқон шаҳри «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Эргашевнинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, жамият томонидан 2009 йил 2 май куни Қўқон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини берувчи махсус комиссияга улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия беришни сўраб мурожаат қилинган. Жамиятнинг мазкур аризаси 2009 йил 4 май куни Қўқон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини берувчи махсус комиссия томонидан кўриб чиқилган, аммо комиссия ноқонуний асослар билан лицензия берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган **«Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»**ги Низомнинг 15-бандида лицензияловчи идора тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш куни мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, махсус комиссия «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамиятига қабул қилган қарори ҳақида хабар бермаган.

Адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судига Қўқон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини берувчи махсус комиссиянинг 2009 йил 4 май кунги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда Қўқон шаҳри ҳокимлигига нисбатан «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамиятига улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномасини бериш мажбуриятини юклаш юзасидан даъво аризаси киритилди.

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан, Қўқон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини берувчи махсус комиссиянинг 2009 йил 4 майдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилди ва Қўқон шаҳри ҳокимлигига «Nodir Elita Tradi» масъулияти чекланган жамиятига улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномасини бериш мажбурияти юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис улар учун тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида ечиш, манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Равшанжон ҚИРҒИЗОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Jamiyatimiz maqsadi

Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — бош мезон

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўтган йилда мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларни кўрсатиш мумкин. Сайлов Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашаётганини, аҳолининг сиёсий-ижтимоий савияси, фуқаролик онги ўсиб бораётганини ёрқин намоён этди. Сайлов жараёнида миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ жавоб берадиган шарт-шароит яратилди. Халқимиз бу сиёсий воқеада фаол иштирок этди ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Ислоҳотлар одамлар ҳаётини ўзгартирса, турмуш даражасини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилсагина кучли фуқаролик жамияти шакллланади, фуқаролар ана шу ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиларига айланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган, мазмун-моҳиятига кўра ана шу эзгу мақсадга хизмат қиладиган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш орқали 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинди. Ўтган йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсди. Энг муҳими барқарор иқтисодий юксалиш аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди ва 2009 йилда юртдошларимиз даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ва тобора такомиллаштириб борилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз».

Бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган алоҳида эътибор туфайли янги босқичлар сари қадам қўйилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди, мамлакатимизда адвокатларнинг ўрни ва мавқеи янада юксалди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи мустаҳкамлангани — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг самарали механизмларидан дир. Кейинги йилларда ушбу йўналишда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари соҳада амалга оширилаётган янгиланишларнинг яхлитлигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмини мустаҳкамлади. Қонунчиликка адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга қаратилган нормаларнинг киритилиши жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминламоқда. Адвокатура соҳасига қўйилаётган талабларнинг қатъийлиги фуқароларга кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатининг тобора яхшиланишига хизмат қилаётир.

Суд қарорларини ижро этиш тизимини, прокуратура фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги босқичма-босқичи ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бутун дунёда улкан қизиқиш уйғотди. Бунинг самарасида Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Мамлакатимиз Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ, жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имконияти кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 53,5 фоиз қисқарди. Яъни, судланганлик ҳолати сўнгги тўққиз йилда 20,4 фоизга камайди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви одил судлов сифатини ошириш имконини берди.

Айни пайтда соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Бу ишларнинг самарасини фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ортаётганида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича 95 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 256 мингдан ортиқни ташкил қилди. Уларнинг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2009 йилда 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилгани суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда қўшимча кафолат бўлаётир. Хусусан, яраш институти туфайли кейинги тўққиз йил ичида салкам 95 минг нафар кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилди. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 16 мингга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ўтган йилда ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан давом эттирилди. Жумладан, амалдаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амнистия актларининг судлар томонидан амалга оширилиши, жиноят-процессида гувоҳнинг ўз ҳуқуқларини адвокат ёрдамида ҳимоя қилиши билан боғлиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга йўналтирилган муҳим қадамлардан бўлди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2009 йилда қарийб 34 минг нафар шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилди.

Умумюрисдикция судлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўналишдаги ишларни тўғри ва изчиллик билан олиб бориш мақсадида Олий суд пленуми мажлисларида тегишли қарорлар қабул қилиниб, ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масаласида суриштирув, тергов органлари ҳамда судларга батафсил тушунтиришлар берилди.

Шу ўринда 2008 йилда судлар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ 265 иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, 250 таси бўйича даъволар қаноатлантирилган бўлса, 2009 йилда 360 ҳал қилув қарори чиқарилиб, 356 ҳолат бўйича даъволар қаноатлантирилганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан кўринадики, иқтисодиётимиз таянчи бўлган тадбиркорлар манфаатлари давлат, жамият ва суд ҳимоясида. Бу миллий қонунчилигимизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркор эркинлигининг амалдаги ифодасидир.

Олий суд судьялари ва ходимлари 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳларда фаол иштирок этиб, 62 қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Олий суд судьялари ва консультантлари йигирмадан зиёд хориж экспертлари иштирокида ўтказилган халқаро семинар, тренинг ва конференцияларда иштирок этди.

Суд тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли соҳа ходимлари малакасини ошириш, иш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, замонавий андозалар даражасида меҳнат шароитини ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар бажарилди. Жумладан, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўла фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш ишларида фаол иштирок этиш суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг ҳам устувор вазифаларидандир. Мазкур Дастурда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса суд тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Жамиятимиз тараққиёти йўлидаги бу эзгу саъй-ҳаракатлар, кенг қамровли ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу ишларга ҳисса қўшиш, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.
(ЎзА)

Jinoyat va jazo

Фирибгарнинг

Баъзи кимсаларнинг ташқи қиёфасига қараб туриб, қўйнинг оғзидан чўп олмаган, мўмин-қобил одам экан, деган ўйга боради киши. Бундай одамларнинг салобати, салмоқлаб гапиришидан унинг асл мақсади нима эканини англаш ҳам жуда мушкул...

Бухоронинг Шофиркон туманида туғилган, оилали, тўрт нафар фарзанднинг отаси, олий маълумотли, эллик тўрт ёшли Ашраф Тўраевни ҳам шундай кимсалар қаторига қўшсак, хато бўлмайди. Айни пайтда Зарафшон шаҳрида яшовчи А.Тўраев муқаддам 1998 йилда жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди томонидан Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбли деб топилиб, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Жазо муддатининг тугашига икки йилу икки ой қолганда амнистия актига биноан у жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилди. Бироқ Ашраф ўзига кўрсатилган бундай бағрикенглик, инсонпарварлик ва мурувватдан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча, у қор ёғди, излар босилди, деган ўйда яна жиноятга қўл урди.

Фуқаролар (жабрланувчиларнинг исм-шарифлари ўзгартирилди) А.Муродов, Т.Хўжаев ва З.Абдуназаровга титан металлидан тайёрланган резирварлар керак эди. Бунинг дарагини эшитган Ашраф уларнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқди. Харид қилиш учун уларда 20 минг АҚШ доллари борлигини билгандан сўнг эса нима қилиб бўлса ҳам, ўша пулни қўлга киритишга аҳд қилди.

У дастлаб Навоий шаҳридаги кон-металлургия комбинатига қарашли кичик заводларнинг биридан металлом учун чиқитга чиқарилган, титан металлидан ишланган яроқсиз ҳолдаги ўн беш дона резирварларни жиянининг номига расмийлаштириб, ҳужжат тайёрлайди. Шу тариқа Ашраф ўзининг алдов тўрига илинган жабрланувчиларнинг 20 минг АҚШ долларига тенг бўлган 24 миллион 569 минг 800 сўмини қўлга киритади.

Ашраф Тўраевнинг ушбу қилмиши жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳри судида 2008 йилнинг 15 январида мазмунан кўриб чиқилди. Суд судланувчи А.Тўраевни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айблаб, етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланганлиги, айбдорнинг қилмишидан пушаймонлиги, айбига иқрорлигини ҳисобга олди ва унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Ўзини ҳурмат қилган одам хатосини такрорламайди. Ашрафнинг ҳам керакли хулоса чиқариши учун ана шу жазо етарли эди. Бироқ киши умрини эзгу амаллар, хайрли ишларга йўналтирмаса, қийин экан. Бундай дейишимизга А.Тўраевнинг ўрганган кўнгли ўртаниб, яна бир фирибгарлик жиноятига қўл ўргани сабаб бўлди.

Фуқаро Ш.Сайфиев кўп қаватли уйдан хонадон сотиб олмоқчи эди. Агар у фирибгарнинг тузоғига тушиб қолишини, сарсон бўлишини олдиндан сезганда, шубҳасиз, Ашрафга яқин ҳам йўламасди. Бироқ...

— Квартирани биздан оласиз-да, — деди А.Тўраев рўпарасида турган Ш.Сайфиевга мулойимлик билан. — Ўзимнинг мана шу икки хонали квартирамни сотмоқчиман. 20 минг АҚШ доллари билан 15 тонна цемент олиб берсангиз бас, уйни сизнинг номингизга расмийлаштириб, калитини қўлингизга тутқазаман.

Соддадиллик баъзан панд берар экан. Ш.Сайфиевнинг, нотариал идорага борамиз, олди-сотди шартномасини расмийлаштирамиз, ҳужжат ишлари битиши билан пулингизни оласиз, дейишига андиша йўл қўймади.

Huquqiy ma`rifat

Фуқаролик процессининг юзага келиши

бунга юридик фактлардан бири — тааллуқлилик асос бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тааллуқлиликнинг бундай тури мустасно тааллуқлилик деб номланиб, унга кўра, низоли ишни судда кўриб ҳал қилиш учун судга қадар у ёки бу органда мазкур ишнинг кўрилиши талаб этилмайди. Масалан, ходимни ишга тиклаш, вояга етмаган фарзандлари бўлган эр ва хотинни никоҳдан ажратиш, тураржойга нисбатан берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш каби фуқаролик ишлари мустасно тааллуқлиликка мисол бўла олади. Альтернатив тааллуқлиликка кўра, субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низо манфаатдор шахсларнинг хоҳишига кўра, судда ёки бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотларида кўрилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 269-моддасига кўра, фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шикоятнинг маъмурий тартибда кўрилиши судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Шартномавий тааллуқлилик альтернатив тааллуқлиликка ўхшаб кетади. Бунда ҳам тарафлар низони ҳал этиш ваколатига эга органни танлаш имкониятига эга.

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилашдаги мезон сифатида қуйидагилар эътироф этилади: *биринчидан,* низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери; *иккинчидан,* субъектлар таркиби (низода иштирок этувчи шахсларнинг таркиби); *учинчидан,* ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз эканлиги; *тўртинчидан,* низодаги тарафлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги; *бешинчидан,* ҳуқуқий ҳужжатнинг характери (унинг норматив ёки норматив эмаслиги); *олтинчидан,* норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг тури.

Фуқаролик ишларининг, хусусан, меҳнат низоларининг тааллуқлилигини белгилашда, аввало, низонинг қайси турда эканлигини, якка тартибдаги низо бўлса, унинг хусусиятини; меҳнат қонунчилигини қўллаш ёки янги меҳнат шартларини белгилаш бўйича ва яна қайси ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судларига қуйидаги ишлар тааллуқли:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда, биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш ҳўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида қайд этиб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли ҳисобланади. Бу борада Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан қабул қилинаётган Пленум қарорларида ҳам тушунтиришлар бериб борилмоқда. Хусусан, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди қўшма Пленумининг 2005 йил 31 мартдаги **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорида тушунтириш берилишича, арз қилинган талабнинг фуқаролик ишлари бўйича суд ёки ҳўжалик суди судловига тааллуқлилиги масаласи ушбу судларнинг Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларида белгиланган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик ишининг судга тааллуқли бўлмаслиги аризани суд томонидан қабул қилишни рад этишга (ФПКнинг 152–моддаси) ҳамда иш юритишни тугатишга (ФПКнинг 100–моддаси) асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунга ўхшаш қоида Ҳўжалик процессуал кодексида ҳам мавжуд. Унга кўра, ҳўжалик низолари бўйича иш юритишни тугатиш шартларидан бири ушбу низонинг ҳўжалик судига тегишли эмаслиги ҳисобланади. Судга тегишлиликни белгилаш пайтида иккита асосий мезондан: низо қилаётган тарафлар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тусидан ва низо қилувчи субъектлар таркибидан келиб чиқиш зарур. Агар ушбу мезонлардан бири мавжуд бўлмаса, низо ҳўжалик судига тегишли ҳисобланмайди. (ХПКнинг 23-моддаси).

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилашда низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Олий суд ва Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларида бир қатор тушунтиришлар ҳам бериб ўтилган. Олий суд ва Олий ҳўжалик суди қўшма Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **«Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни суд амалиётида қўлланишининг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорининг 3-бандига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирокидаги ишларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда судларнинг эътибори низоли муносабатларнинг хусусияти ва субъектлар таркибини ифодаловчи асосий мезонларга қаратилиши лозим. Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судларига тааллуқлидир. Айнан шу турдаги низоларда бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар (оила пудратчилари) бўлса, бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикция судларида кўрилади. **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 11-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан келтирилган шикоятлар умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб эътироф этиш билан боғлиқ ишлар хўжалик судларига тааллуқлидир. Агар якка тартибдаги тадбиркор хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган ва фаолияти қонунда белгиланган тартибда тугатилган бўлса, унинг иштирокида вужудга келган барча низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқли ҳисобланади.

Судлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг даъвоси бўйича ишларни кўриб чиқишда ишчанлик обрўсига етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талабни ҳам асосий даъвога қўшиб кўришга ҳақли. Бундай талабни бошқа судга тааллуқли, деган важ билан ишни тугатишга ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш учун суд идораларига мурожаат қилиш тўлиқ кафолатлаб қўйилди, суд орқали ҳимояланиш борасидаги чекловларга барҳам берилди. Бу эса тааллуқлиликни белгилашнинг муҳим мезонларидан бири бўлган низоли ҳуқуқий муносабат хусусиятининг мазмун-моҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тааллуқлиликни белгилашнинг дастлабки мезони бўлмиш низоли ҳуқуқий муносабат хусусиятлари суд ҳокимияти идораларига тааллуқли бўлган ишларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, эндиликда мазкур мезон нафақат ҳуқуқий ишларни кўриш ваколатига эга бўлган идоралар ўртасида, балки умумий юрисдикция судлари билан ҳўжалик судлари ўртасидаги ишларнинг тааллуқлилигини белгилашда ҳам кенг қўлланилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлари доктори

Burch va mas`uliyat

Фуқаро мурожаати

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, М.Отаниёзованинг ОАТБ «Агробанк» Шеробод тумани филиали томонидан 1,175.000 сўм кредит маблағлари берилмаётганлигидан норози бўлиб, Олий Мажлисга йўллаган аризасини ОАТБ «Агробанк» Сурхондарё вилояти бошқармаси кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг бўлими етакчи мутахассиси Ю.Каримов тўлиқ ва қонуний кўриб чиқиши ва ариза муаллифига жавоб хати юбориши лозим эди. Бироқ амалда бунинг буткул тескариси бўлди: Ю.Каримов аризанинг ортида бир фуқаронинг манфаатлари ётганини, қолаверса, ўзининг зиммасидаги бурчини эсдан чиқариб қўйди.

Табиийки, масъул шахснинг бу хатти-ҳаракати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан эътиборсиз қолдирилмади. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг қарорига кўра, фуқаролар мурожаатини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этган, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузган Ю.Каримов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилди. Суд жараёнида Ю.Каримов барча айбларига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймон эканини билдирди. Суднинг қарорига биноан, Ю.Каримовга қонунда белгиланган миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Ариза, шикоят ёки таклифлар ўзида фуқароларнинг ҳуқуқи, манфаати, истак ва қизиқишларини ифода этади. Шундай экан, қонун масъул шахслардан ҳар бир ариза, шикоят, таклиф сингари фуқаролар мурожаатига жиддий ёндашишни, батафсил ўрганиб чиқишни талаб этади.

Раъно ҲАЗРАТҚУЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди судьяси

Farmon va ijro

Ҳимоя ҳуқуқи кафолати мустаҳкамланди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, фуқароларга 80 мингдан ортиқ оғзаки ҳуқуқий маслаҳатлар берилган бўлса, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ 115 мингга яқин битим тузилган. Жиноят ишлари бўйича судларда етмиш мингга яқин шахснинг ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Шунингдек, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича судларда ҳам адвокатлар фаол иштирок этиб, даъволарнинг қисман ёки тўлиқ қаноатлантирилишига эришган. Адвокатлар вакил, гувоҳнинг адвокати сифатида ҳам судларда иштирок этди. Шу билан бирга, адвокатлар тадбиркорлик субъектларига саксон мингдан ортиқ турли ҳуқуқий ҳужжатларни тузишда яқиндан ёрдам берди.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани, адвокат процессуал мақоми кенгайтирилгани уларнинг амалиётда самарали фаолият юритишига пухта замин яратди. Хусусан, 2009 йил 1 январдан кучга кирган **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун асосида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритиш учун маъсул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Шунингдек, эндиликда гувоҳ ҳам адвокатнинг юридик ёрдамидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳимоячи ҳам далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни, хусусан, ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олишга ҳақли. Ҳимоячининг тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта, қаноатлантирилиши керак.

Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган фармонида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бунинг амалий ижроси 2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"**ги қонун асосида таъминланди. Унга мувофиқ, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида фақат профессионал фаолият билан шуғулланувчи адвокатлар қатнашиши мумкин. Қонунда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси ҳам белгилаб берилди.

Адвокатура институтининг тобора такомиллашаётгани, уларга қўйилаётган талабларнинг қатъийлиги кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатининг тобора яхшиланишига хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, адвокатларга касбий вазифаларини бажариш пайтида зарур имкониятларни яратиш, жойларда юзага келадиган айрим масалаларни ўз вақтида ҳал этиш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи кафолатини янада мустаҳкамлайди. Бу борада, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан адвокатуранинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Islohot va samara

Маънавий зарарни қоплаш

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Меҳнат кодексининг 112-моддасига асосан, суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда ходимга етказилган маънавий зарарларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар Қ.Бозоровнинг жавобгар — «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилди. Яъни жавобгарнинг Қ.Бозоровни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилиниб, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига даъвогарни қайта ишга тиклаш мажбурияти юклатилди. Шунингдек, даъвогар фойдасига жавобгардан 4.383.564 сўм иш ҳақи ва 200.000 сўм маънавий зарар ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти кассация судлов ҳайъати шаҳар прокурорининг кассация протестини батафсил кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Жиноят процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ, жабрланувчи, яъни жиноят туфайли маънавий зарар кўрган шахс жиноят иши юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида даъво қўзғаш ҳуқуқига эга. Агар жиноят иши кўрилаётганда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, Фуқаролик процессуал кодексининг 245-моддасига кўра, бундай даъво фуқаролик иши юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Фуқаро Ҳ.Ҳамидова судга мурожаат қилиб, қуйидагиларни маълум қилган: унинг ёлғиз қизини савдо дўкони раҳбари Л.Шодмонқулова оғзаки келишув асосида ишга қабул қилгандан сўнг қизи ҳар куни савдо дўконида соат 8 дан 23 гача ишлаб келган. 2009 йил 3 август куни Л.Шодмонқулова техник хавфсизлик чораларини кўрмасдан қизга музлатгични тозалашни буюрган. Оқибатда қиз электр токи уриши натижасида вафот этган. Ҳ.Ҳамидова дўкон мудири Л.Шодмонқуловадан 20.000.000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2009 йил 4 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Л.Шодмонқуловадан даъвогар фойдасига маънавий зарарни қоплаш учун 1.000.000 сўм ундирилган.

Мазкур ҳал қилув қарори тарафларнинг апелляция шикоятларига асосан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг апелляция судлов ҳайъатида кўрилиб, Ҳ.Ҳамидованинг фойдасига Л.Шодмонқуловадан ундириладиган маънавий зарар 3.000.000 сўм миқдорида белгиланган.

Апелляция судлов ҳайъати Л.Шодмонқуловадан ундирилаётган зарар миқдорини кўпайтириб ўзгартиришга жавобгарнинг дастлабки терговда айбига тўлиқ иқрорлик билдирганлигини, унинг марҳумани ноқонуний тарзда соат 24 га қадар ишлашга мажбур қилиб, меҳнат қонунчилиги меъёрларини кўпол равишда бузганлиги ҳамда унинг ўлимига сабабчи бўлганлигини асос қилган.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси 2-қисмига кўра, маънавий зарар миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айб даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 163-моддаси 1-қисмига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати қўлланилмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда амалиётда маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишлар миқдори кўпаймоқда. Бу эса юртимизда ҳуқуқий маданият юксалаётганини, фуқароларимиз ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тобора яхши англаб, улардан фойдаланаётганини кўрсатади.

Р. РАСУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди судьяси

Фарзанд ота-она учун энг катта давлат. Айни чоғда ота-она зиммасида тарбия, фарзандни комил инсон қилиб вояга етказиш каби масъулият ҳам борки, қуйида шу ҳақида фикр юритамиз.

Муҳташам қаср ҳам пойдеворга биринчи ғиштни қўйишдан бино бўлганидай, инсоннинг камолотга эришиши ҳам болаликда унга берилган гўзал тарбиядан ҳосил қилинади. Бола қалби худди тоза қоғозга ўхшайди – нима ёзилса, шу муҳрланади. Бинобарин, боланинг кўнглига эзгулик уруғи сепилса, вақти келиб айтилган насиҳатлар, кўрсатилган ибратлар савобли амалларга айланади. Шу билан бирга, лоқайдлик, беэътиборлик ҳам бесамар кетмайди. Демак, бола тарбияси ҳақида гап кетганда, тарозининг оғир палласи ўз-ўзидан ота-она томонга оғаверади.

Mulohaza

Эзгулик — яхшиликка йўл очади



Шу ўринда жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳри судида кўрилган вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноят ишларидан бирининг тафсилотларига диққатингизни қаратамиз. Собир (исм-шарифлар ўзгартирилди) билан Толиб тенгдош — ўн беш-ўн олти ёшларда. Улар бошқа-бошқа мактабда ўқишса ҳам, кўп қаватли уйда қўшни туришгани боис дарсдан сўнг кўп вақт бирга бўлишади. Бу иккиси, айниқса, Собир ўқишда тиришқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги боис устозларидан доимо олқиш эшитиб келади, синфдошларига уни ўрнак қилиб кўрсатишади. Ота-она ҳам боласининг тарбиясидан мамнун.

Бу икки ўсмир ҳақидаги тасаввур шундай бўлгани учунми, уларнинг бировга тегишли телеустахона эшигини бузиб кириб, уч ярим миллион сўмликдан ортиқ компьютер қисмлари, телефон аппаратлари каби буюмларни ўмариб кетганини эшитганда кўпчилик ҳайрон бўлиб қолди.

Судда қўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Собирнинг устози кўрсатмаларидан ҳам шу маъно англашилади: «Олимжон мактабда аъло баҳоларга ўқийди, жамоат ишларида фаол қатнашади, турли танлов ва мусобақаларда кўп бор ғолиб бўлган, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган...». Хўш, унда болаларнинг ўғрилик қилишига нима сабаб бўлган? — деган табиий савол туғилади.

Маълум бўлишича, Толибнинг қўл телефони бузилганда оғайнилар устахонага боришади. Устахона токчасида бири тузатилган, бошқаси таъмирлаш учун қатор териб қўйилган компьютер қурилмалари, ўнлаб телефон аппаратлари ва шунга ўхшаш буюмлар болаларнинг кўзини ўйнатади. Устахонадан чиққан оғайнилар қалтис қарорга келишади: ўмариш керак. Аммо қандай қилиб? Собир устахонага кириладиган қўшимча эшик борлигини пайқаб, қулфни қўлбола очқичлар билан бузиш мумкинлигини аниқлайди. Улар тонгда уйдан югуришни машқ қилиш баҳонасида чиқиб, учрашишга келишишади...

Собир билан Толиб ўғирлик буюмларни аввалига уйнинг ертўласига яшириб қўядилар. Сўнг баъзи матоҳларни Гулистон шаҳридаги, баъзиларини эса Янгиер шаҳридаги усталарга арзон-гаровга пуллашади.

Гувоҳи бўлганингиздек, мактабда ўзлаштириши яхши бўлган, оилада ҳам ножўя иш қилмаган болалар феъл-атворида хавфли иллат юз кўрсатди. Бизнингча, бунинг биринчи сабаби ота-онанинг бепарволигидир. Негаки, уларнинг фарзандидан кўнгил тўқлиги бора-бора бепарволикка айланган. Боласининг мактабга бориб-келишига, дарсдан бўш пайтларида нималар билан машғул бўлаётганига эътибор қилиш ота-онанинг хотирасидан кўтарилган. Оқибатда яхши ўқиб, мактабда ҳам, уйда ҳам, кўча-кўйда ҳам фақат мақтов эшитаётган болалар «Нима иш қилсак ҳам тўғри бўларкан», деган хато хулосага келишган.

Табиийки, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Суд Собир билан Толибнинг айбига иқрорлиги, вояга етмагани, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчиларнинг уларга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди ва судланувчиларни ҳулқи устидан назорат олиб бориш йўли билан жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкин деган хулосага келди.

* * *

Ҳар жиҳатдан етук фарзанд ота-онанинг ҳам, жамиятнинг ҳам орзуси. Зеро, бугун чуқур билим олган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, она-Ватанига содиқ бўлган ёшлар вақти келиб юрт тақдирида ҳал қилувчи кучга айланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериб келинмоқда. Миллий қонунчилигимизда ҳам бола ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи меъёрлар белгилаб қўйилди. Масалан, Асосий қонунимизнинг 64-моддасида **«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар»**, дейилса, Оила кодексининг 73-моддасида **«Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт»** эканлиги қайд этилди. Бугун соғлом оила муҳитини шакллантириш, она ва бола саломатлиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани ҳаммага маълум. Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг **«Баркамол авлод йили»** деб номланиши, бу борадаги вазифаларни белгилаб берувчи Давлат дастури қабул қилинганидан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитни яратиш, уларнинг қизиқишлари, интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдир.

Олимжон ҲАЙИТОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳри суди раиси

«беминнат» кўмаги

Унинг кўнгилчанлиги эса фирибгарнинг тегирмонига сув қуйди. Ш.Сайфиев 26 миллион 352 минг 600 сўмга тенг бўлган 20 минг АҚШ доллари ва нархи 5 миллион сўм бўлган ўн беш тонна цементни — жами 31 миллион 352 минг 600 сўмлик бойлигини Ашрафнинг қўлига қандай тутқазганини сезмай ҳам қолди.

Жиноят оқибатида А.Тўраев Ш.Сайфиевга етказган жами зарарнинг 2 миллион 835 минг 260 сўми дастлабки тергов давомида, қолган 18 минг АҚШ доллари ва 4 миллион 800 минг сўми судда тўлиқ қопланди. Суд қонун талаблари, жумладан, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **«Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Тўраевга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма беш фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Бу тоифадаги ишларни судда кўриш амалиётини таҳлил қилишдан шу нарса маълум бўляптики, фирибгар содда, ишонувчан одамларни алдаб, ишончини қозонади. Уларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, шу билан боғлиқ ишларни бажаришда улар кўнглида умид уйғотади. Сўнгра ўзини жон куйдираётгандай қилиб кўрсатади. Ишларни бажариш учун мулкини, бойлигини ўзлаштиради, ишончини суиистеъмол қилади. Энг ёмони, жабрланувчи моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолгани етмаганидек, сарсон-саргардон ҳам бўлади. Бинобарин, фирибгарнинг алдовига ишониб, меҳнат билан топган бойлигини унга осонгина тутқазиб юбормаслик учун огоҳ бўлиш, ҳушёрлик керак. Ҳар қандай ишни қонун талабларидан четга чиқмай адо этиш лозим. Чунки қонун доирасида қилинган иш ҳеч қачон панд бермайди.

Нозим ШЕРОВ,
жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳри суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Munavvar lahzalar



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

"Темур тузуклари" ҳақида сўз юритганимизда, мазкур нодир асарнинг француз тилига таржимони Л.Ланглэнинг ўз илмий ижодига, аниқроғи, унинг Соҳибқирон ҳаётига бағишлаб ёзган, 1787 йили Парижда босилиб чиққан бир китобига ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиздир.

Л.Ланглэ «Темур тузуклари»ни французчага таржима қилар экан, табиийки, Амир Темур шахси, ҳаётига қаттиқ қизиқиб қолади. «Темур тузуклари»нинг Л.Ланглэ ўгирган французча нусхасидан қилинган русча таржимаси 1894 йили Қозонда нашр этилди. Л.Ланглэнинг ўзи ёзган «Темур ҳаёти» китоби эса «Тузуклар»дан аввал — 1890 йилдаёқ Тошкентда «Ака-ука Лорцевлар» босмахонасида дунё юзини кўрган эди.

Китобни Николай Суворов деган киши рус тилига ўгирган ва «Таржимондан», «Таржимон сўз бошиси» номли унча катта бўлмаган мақолалар ҳамда мухтасар «Таржимон изоҳи»ни ҳавола қилган. Унинг Амир Темур даврига ҳийлагина қизиқиши мақолаларидан, ҳатто Ҳерман Вамбирининг «Бухоро тарихи» асаридан Амир Темурга оид бобларни таржима қилиб, ушбу китобга қўшиб чиқарганидан ҳам кўриниб турибди. Китобда Амир Темурнинг портрети берилган, муаллиф Л.Ланглэнинг фикрича, бу Европадаги бирдан-бир ҳақиқий портрет ҳисобланади.

«Темур ҳаёти» — француз олимининг Амир Темур ҳақида ўз она тилида ёзган асари экани билан қимматли. Асар жуда содда тилда, илмий-оммабоп йўсинда, ҳикоя тарзида ёзилган, ўқувчини зериктирмайди. Муаллиф Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» қўлёзмасини аслиятда ўқиган ҳамда шу асарнинг Пети де Ла Круа 1722 йили француз тилига, Ж.Дарби 1723 йили инглиз тилига қилган таржималарини мутолаа қилган. Шунингдек, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1403-1406 йилларда Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳати хотиралари, Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга бағишланган асари билан танишиб чиққан. «Темур ҳаёти» китобида мазкур манбалардан бемалол баҳс юритилгани бизга юқоридагидек хулоса чиқариш ҳуқуқини беради. Айтиш мумкинки, у ўз китобида асосан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига суянади ва Амир Темур тарихини ёзганда тарихчининг ишончли материаллар асосида иш кўрганини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. Рисолада Чингизхон ва Чиғатой тарихидан қисқача ҳикоя қилинганидан кейин, Амир Темур «Трансоксаниянинг Кеш шаҳри деворларига яқин ерда, Сабзда 1336 йил 7 майда туғилган», деган сўзларни ўқиймиз (3-бет). Албатта, бу ерда хатолар бор, Кеш билан Сабз асли бир шаҳар, қолаверса, Амир Темурнинг туғилган куни 1336 йил 9 апрел деб белгиланган. Агар Л.Ланглэ китобида йўл қўйилган хатоларга тўхталсак, анча-мунча англашилмовчиликларни айтишга тўғри келади. Масалан, у Амир Темурнинг набираси валиаҳд Муҳаммад Султонни 19 ёшда вафот этди, деган маълумотни келтиради. Ҳолбуки, шаҳзода 27 ёшда бетобланиб оламдан ўтган эди. Мовароуннаҳр одамларини «татар», юртни эса «Татария», Олтин Ўрдани «Буюк Татария» деб атайди. Амир Темурни ҳам «татар жаҳонгир»и сифатида таърифлайди. Бу, албатта, тўғри эмас. Шуниси қизиқки, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си билан таниш одамдан буни кутиш кишини ҳайратга солади. Чунки «Зафарнома»да бундай гаплар учрамайди.

Умуман олганда, Л.Ланглэ Амир Темур даври воқеалари оқимини тўғри ва холис кузатади, европалик олимлар йўлидан боради ва диққатни у ҳам асосан ҳарбий юришларга қаратади, айрим тарихчилар билан ўринли баҳслашади (масалан, Клавихо, Ибн Арабшоҳ), мавзуга аниқликлар киритишга ҳаракат қилади.

Амир Темур ва Боязид Йилдирим муносабатларининг тарихда турлича таърифланишларига тўхталар экан, Л.Ланглэ Ибн Арабшоҳга жиддий эътирозлар билдиради. «Ушбу уйдирмалар жаноб Вольтер (1694-1778 йиллар, буюк француз ёзувчиси, файласуфи, тарихчиси — ***М.А***.) тарафидан «Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида» асарида ҳақли равишда рад этилган эди (33-бет)», — деб ёзади Л.Ланглэ. Вольтер, умуман, Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар тарихидан яхши хабардор файласуф адиб эди. **«Улуғбекнинг буюклиги унинг қилган ишлари билан белгиланади**, — деб ёзади Вольтер. — **У Самарқандда биринчи Фанлар академиясини яратди, ер куррасини ўрганди, коинот ва юлдузларни кашф этиб, машҳур жадвал тузди...»** (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т., 2001. 2-том, 497-бет).

Юқорида номи келтирилган Вольтер асарининг 3-томи (Л.Ланглэ далилни шу ердан олади) Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврлари, Самарқанднинг буюк пойтахтга айланиши, Мовароуннаҳрда олиб борилган сиёсатга бағишланган эди.

Ибн Арабшоҳни танқид қилар экан, Л.Ланглэ Амир Темур ҳақидаги бундай баҳсли нуқталарни фақат бир тарихчи, «Боязидга қарши жангларда ўз қаҳрамонини кузатиб борган (бу ерда Шарафиддин Али Яздийни Низомиддин Шомий билан янглиштирмоқда, Яздий у жангларни кўрмаган — ***М.А***.) ва тарихни ишончли манбалар, далиллар асосида ёзган Шарафиддин Али (Яздий)гина ҳал қила олади» (33-бет), дейди.

Бу тарихимизнинг гўлтожи бўлган «Зафарнома» ва унинг муаллифига берилган катта баҳодир.

(Давоми бор)

Fikr

«Телефонингни ол-чи, болакай!»

Мобиль телефон яратилган дастлабки пайтларда у асосан алоқа учун ишлатилган эди. Ўша пайтларда унинг тури, имконияти ва қулайлиги ҳозиргидек кўп ва кенг бўлмаган, албатта.

Кейинги йилларда унинг имкониятлари тобора ортиб, такомиллашиб боргани сайин ушбу аппаратга бўлган қизиқиш ҳам янада ошди. Аслида ким биландир мулоқотда бўлиш — инсон табиатига хос. Мобиль телефон бу жараённи янада фаоллаштиради.

Маълумки, бу алоқа воситаси орқали оилавий ва иш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ундан соат, календарь, калькулятор, фотоаппарат, видеокамера, радио, телевизор, интернет, ён дафтарча сифатида фойдаланиш, об-ҳаво ва валюта курси сингари бошқа кўплаб маълумотларни билиб олиш, мусиқа эшитиш, турли ўйинлар ўйнаш мумкин.

Бундан бир неча йил илгари узоқ тоғли ҳудуддаги қариндошимизга зарур хабарни етказиш учун ўнлаб километр йўл юриш, анча вақт ва маблағ сарфлашимизга тўғри келарди. Бугун телефон кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. У орқали нафақат шаҳару қишлоқларимиздаги, балки минглаб километр узоқдаги бизнес ҳамкор, таниш ёки яқинимиз билан тез ва осон хабарлашамиз.

Психологлар таъкидлашича, ўз мобиль телефонига эга ўқувчилар дарсдан кўп чалғийди. Фанларни ўзлаштириши сусаяди. Бўш вақтини кўпроқ илм ўрганишга эмас, телефонини «титкилаш»га бағишлайди. Бу ҳам етмагандай, тез асабийлашадиган, бефарқ, лоқайд бўлиб қолади. Ақлий ва жисмоний ривожланишига путур етади.

Мобиль телефоннинг зарари хусусида гап кетганда, мутахассислар у орқали 1-2 дақиқадан ортиқ сўзлашмасликни тавсия этганини таъкидлаш ўринли. Чунки телефонда узоқ муддат мулоқотда бўлишнинг инсон саломатлиги учун зарари катта эканлиги исботланган.

Яқинда маҳалламиздаги Дониёр исмли 4-синф ўқувчисининг телефонидаги қўрқинчли ўйин ва даҳшатли автоҳалокат тасвири туширилган лавҳаларни кўриб қолдим. У буларни мактабдошининг телефонидан кўчириб олганини яширмади. Отаси билан гаплашсам, у ўғлининг бу эрмагидан бехабар экан. Тенгдошларидан кам бўлмасин деб, телефон олиб берганини айтди.

Ҳаммамиз ҳам фарзандимиз ўзимиз эришолмаган ютуқ ва марраларни забт этишини, замондан, тенгқурларидан ортда қолмаслигини истаймиз. Бироқ ушбу жараёнда қош қўяман деб кўз чиқармаслик даркор. Зурриётимизга мобиль телефон ёки компьютер олиб бергач, дилбандимизнинг ундан қандай мақсадда фойдаланаётганини ҳам назорат қилишимиз шарт.

Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардандир. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясига беэътибор бўлмаслик, уларни мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг, аввало, биз — ота-оналарнинг бурчимиздир.

Холмурод САЛИМОВ,
журналист

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Тўрт хислат инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

* * *

Дўст орттир! Чунки бир ўзинг ҳеч қачон бахтли бўлолмайсан. Бахт — икки кишининг насибасидир.

* * *

Бировнинг кўнглини чоғ қилишнинг энг яхши усули — унинг сўзларига қулоқ тутиш.

* * *

Виждон олижаноб инсонларнинг одил ҳакамидир.

* * *

Ўзликни англашга интилиш энг сермаҳсул машғулотдир.

Saboq

Ўринсиз ҳазил

Ҳаётда самимий, беғараз ҳазилдан одамнинг чарчоғи тарқаб, кўнгли равшан тортади. Яхши ҳазил одамларни, кўнгилларни бир-бирига яқинлаштиради. Аммо ҳар бир нарсанинг меъёри бўлгани сингари ҳазилнинг ҳам чегараси бор. Беўхшов, жамоат жойида, кўпнинг кўз ўнгида қилинган ўринсиз ҳазил одамни хижолатга солиб қўяди. Ҳаммасидан ҳам ўринсиз ҳазил ортидан жиноят келиб чиқса, ундан ёмони йўқ.

Одил ичиб олган кўйи уйига қайтаётганди. Йўлда синфдоши Ҳакимга дуч келгач, қувониб кетди. Йўловчи кутиб турган қиракаш ҳайдовчилар кўз ўнгида беўхшов ҳазили билан уларнинг диққатини тортди. Шунда кимдир Одилнинг қилиғига кулгандек бўлди. Аслида ҳам у атрофдагиларнинг кулгисини қистайдиган беўхшов ҳазил қилганди-да.

Ўша пайтда Одил бунга унчалик эътибор бермади. Лекин машинага ўтириб қишлоғи томон бораркан, Ҳаким билан қилган ҳазил-ҳузулига кимдир кулгани ёдига тушиб, асаби бузилди. Қишлоғига етмай машинадан тушиб, яна изига қайтди.

Одил Ҳаким билан учрашган жойга келса, у ерда ўзига нотаниш Мехриддин Очилов турган экан. Мехриддиннинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Одил мастлиги сабаб устимдан кулган одам шу, деган хаёлга борди. У Мехриддиннинг юзи, бошига муштлай кетди. Айбсиз М.Очилов О.Нодировнинг безорилигидан енгил даражада тан жароҳати олди.



Дастлабки тергов идораси томонидан О.Нодировнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган. Негаки, Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги **«Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарорининг 3-бандида **«...безорилик замирида шахснинг баданига енгил даражада шикаст етказилганлиги кифоя. Бунда шахснинг баданига етказилган тан жароҳати унинг соғлиғининг бузилишига олиб келган-келмаганлигининг аҳамияти йўқ»**, деган раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд судланувчи О.Нодировни Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан айбли топиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Мулоҳаза қилиб қараганда, эндигина йигирма олти ёшга қадам қўйган, ҳали оила ҳам қурмаган йигит икки пиёла ичимлик ичгач, ўринсиз ҳазил қилиб ўзгаларга кулги бўлди. Бундан хижолат тортиб, айбсиз бир одамга қўл кўтарди. Зеро, кўча-кўйда, жамоат жойларида юриш-туриш одобига амал қилмаслик одамнинг обрўсига путур етказишини, таниш-билишлар олдида ишончни йўқотишини ўйламаслик оқибати бошқача тугаши ҳам мумкин эмас.

Ҳабибулло ЧИНИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани суди раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Мен истеъмол кредити олмоқчи эдим. Айтинг-чи, бунинг учун банкка қандай ҳужжатлар тақдим этишим керак?

Б. РАҲИМОВ,
Қоровулбозор тумани



— Сиз ушбу ҳолатда **«Истеъмол кредити тўғрисида»**ги қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишингиз керак. Мазкур қонуннинг 8-моддасида кўра, истеъмолчи истеъмол кредити олиши учун кредит буюртмасини ва ўзининг даромадлари кўрсатилган маълумотномаларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни истеъмол кредити берувчи ташкилотга тақдим этиши зарур.

Жумладан, кредит буюртмасида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъмолчининг исм-шарифи, отасининг исми, паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи ҳужжати серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи;
- истеъмол кредитининг объекти;
- истеъмол кредитининг муддати;
- истеъмолчининг фаолият тури ва даромадлари;
- истеъмолчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули.

Кредит буюртмаси буюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда истеъмолчи томонидан имзоланади.

— Қонунчилигимизда фуқароларнинг нафақа тайинланишини сўраб ёзган аризасига илова қилинган ҳужжатлари қанча муддатда кўриб чиқилиши белгиланган?

Д. КОМИЛОВ,
Пахтачи тумани



— Адлия вазирлигининг 2007 йил 3 сентябрдаги 1710-сон билан рўйхатга олинган, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 118-сон буйруғи билан тасдиқланган «Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида»ги Йўриқноманинг 21-бандига асосан, пенсия тайинлашга доир ҳужжатларни бўлим расмийлаштиради. Пенсия тайинлашни (бир турдан иккинчи турга ўтказишни) сўраб ёзилган ариза билан бирга тегишли ҳужжатлар топширилган кундан кейин «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддасига мувофиқ пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, улар келиб тушган кундан эътиборан, 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган ҳолларда, бўлим томонидан тегишли қарор чиқарилгандан кейин 5 кун ичида пенсия тайинлашни рад этиш сабаби ва шикоят қилиш тартибини тушунтириб, пенсия тайинлаш бўйича мурожаат этган фуқарога ёки корхона, муассаса, ташкилотга хабарнома юборади ва тақдим этилган ҳужжатларнинг аслини қайтаради.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигини ташвишлантираётган муаммолардан биридир. Мазкур иллат инсоннинг соғлиғига путур етказади, жамият барқарорлигига жиддий хавф туғдиради, қолаверса, бошқа жиноятларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади.

Бугун дунё ҳамжамияти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилувчиларга нисбатан муросасиз кураш олиб бораётир, ушбу жараёнда мамлакатимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, БМТнинг шу масалани кўзда тутувчи бир қатор ҳужжатлари мустақиллик йиллари республикамизда ратификация қилинди.

Амалиётда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар республикамиз ҳудуди орқали бошқа давлатларга кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситалари ўтказишга уринган жиноятчиларни қўлга олиб, судлар бундай шахсларга нисбатан қонуний чора кўриб келмоқда.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилсак. И.Султонов Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 3 йил синов муддати белгиланган. Бироқ И.Султонов ўз билганидан қолмай, яна ўғрилик жиноятини содир этиб, 2003 йилда айбига яраша жазо олди. Шунга қарамай, ўғриликни ўзига «касб» қилиб олган бу кимса такроран ўғрилик жиноятига қўл уриб, 2005 йилда яна жазога тортилди.

Афсуски, ҳали жазони тўлиқ ўтаб бўлмаган И.Султонов «фаолият»ини ўзгартириб, янги танишлар топди ва эндиликда қўшни давлатдан гиёҳвандлик воситаларини олиб келиб сотишга қарор қилди. У шу мақсадда Қирғизистон фуқароси Ғайрат билан жиноий тил бириктириб, кўп миқдордаги «гашиш» моддасини республикамизга божхона назоратини четлаб, ноқонуний йўллар билан олиб ўтаётганида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланди. Жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани судининг 2009 йил 6 июлдаги ҳукми билан И.Султонов тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу каби Р.Қутбиддинов ҳам муқаддам судланиб, ота-онасининг илтимоси ва ўзининг вояга етмаганлиги ҳисобга олинган ҳолда 3 йил синов шарти билан қамоқ жазосидан озод қилинса-да, қилмишларига тавба қилмай, яна жиноят кўчасига кирди. У қирғизистонлик гиёҳванд олди-сотдиси билан шуғулланувчилардан ҳар ойда бир маротаба кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, божхона назоратини четлаганча юртимизга олиб киради ва ўзининг жиноий шерикларига тарқатади.

Навбатдаги ойда Р.Қутбиддинов М.Нишоновани ўзига шерик қилиб учун йўлга тушган Т.Парпиева ашёвий далил билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Шу тариқа жиноий гуруҳ фаолияти фош этилиб, жиноятчиларга айбларига яраша жазо тайинланди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 19-боби 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Шунингдек, судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўриш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Олий суд Пленуми томонидан 1995 йил 27 октябрда **«Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар муносабати билан Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Айтиш керакки, судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда ушбу қарорлар талабларига қатъий риоя қилиб келинаётир. Масалан, бу турдаги жиноятларни содир этаётган гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга судлар томонидан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўлланилмоқда.

Муқаддам уч маротаба судланган бўлишига қарамай, ҳамон қилмишидан тегишли хулоса чиқармасдан гиёҳвандликка муккасидан кетиб, уни истеъмол қилиб юрган М.Камоловнинг уйи кўздан кечирилганида гиёҳвандлик воситалари топилди. Тергов жараёнида М.Камоловнинг гиёҳвандликка чалинганлиги аниқланди.

Суд ҳукми билан М.Камолов Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисмининг «а» бандига кўра, тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 96-моддаси талабига асосан, унга нисбатан жазони ўташ жойларида мажбурий тартибда гиёҳвандликка қарши тиббий йўсинда даволаш чоралари белгиланди.

«Касални тузатгандан кўра унинг олдини олган афзал», деганларидек, жамият барқарорлигига, осойишта кунларимизга хавф солиши мумкин бўлган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний олди-сотдисига қарши курашишда жамоатчилик ёрдами ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан хусусий ажримлар чиқарилиб, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, ўқув юртларига юборилмоқда, шунингдек, матбуотда чиқишлар ташкил этилмоқда, жойларда давра суҳбатлари уюштирилиб, турли семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Алишер ДАДАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани суди раиси

Giyohvandlik — asr vabosi

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-118. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 9000. 1 2 3 5 Топширилди: 22⁰⁰